



O'ZBEKISTON OVOZI

2013-yil, 28-fevral. Payshanba 24 (31.614)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

2013 йил — Обод турмуш йили

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланган. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усуллари татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизда илғор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартла-

рига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг туғри овқатланиши гоёт муҳим ўрин тутган. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, урни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини сапленментация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиғи мустаҳкамланади. Кўкрак сутини эмизмиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтираш чора-тадбирлари амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР, АЙНИҚСА, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН КУРАШАДИ.

ЎзХДП: Экспертлар гуруҳи йиғилиши



ҲАЁТИЙ ЛОЙИҲАЛАР

электорат манфаатига хизмат қилади, партия ташкилотлари нуфузини оширади

ЎзХДП Марказий Кенгашида мафкуравий масалалар бўйича экспертлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.


Унда партия Марказий Кенгаши аъзолиги раиси, Олий Мажлис Қонун-

чилик палатаси депутатлари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар

гуруҳи аъзолари қатнашди. Йиғилишда маҳаллий партия кенгашлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган услубий қўлаб-қувватлаш мавзулари, партия кенгашлари ҳузуридаги Ахборот-маърифат хоналари

ини фаоллаштириш, илмий ишлар олиб бораётган олим, талқинчи, мутахассислар иштирокида амалий анжуманлар ўтказиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда.)



ТАДБИРКОРЛИК ТАРТИБ-ҚОИДАСИ БАРЧАГА БАРОБАР

аммо айримлар қинғир йўллар билан пул топишга уринмоқда

→ 4

ОҒУ МАНЗИЛИГА ЕТМАДИ

Жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг ҳукми билан тожикистонлик фуқароларга тегишли жазо тайинланди.

→ 4



МУҲИМ ҒАЛАБАЛАР

→ 4

Ватан ҳимояси — олий шараф



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

АСКАР БЎЛИШ БАХТИ

Асака туманининг Оқбўйра қишлоғида яшовчи Азизахон Сайдуллаева кенжа ўғли Хуршидбекни ҳарбий хизматга кузатди. Хуршидбек акалари — Машҳурбек, Баҳодиржон, Нодиржонлар сингари Ватан сарҳадларини қўриқлашга аҳд қилган.

— Фарзандим Ватанни мард йигит сифатида қўриқлаб, бағримга ёруғ юз билан қайтишини хоҳлайман, — дейди Азизахон Сайдуллаева. — Ватан ҳимоячисининг онаси бўлиш биз оналарга фахр бағиш-

лайди. Бу сўзлар ўғилларини ҳарбий хизматга кузатаётган мамлакатимиздаги барча оналарнинг дил ифодасидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Худудий ислохотлар

Ўтган йили италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Саросиёда пайпоқ тикиш корхонаси қурилиши бошланган эди. Корхона жорий йилда ишга туширилади ва 3 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

САРОСИЁДА

5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади

Жорий йил туманда талай истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. «Шарфқўмбир» очик турдаги акциядорлик жамиятида 20 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Модернизация натижасида тошқўмбир қазиб олиш қуввати йилга 900 минг тоннага етиши кутилмоқда.

Шунингдек, худуддаги яна бир улкан иншоот — «Тўпаланг» гидроэлектр қувватини ишлаб чиқариш йилига 430 миллион киловатт-соатга етказилади.

Ушбу бунёдкорликлар натижасида яқин келажакда Саросиё туманида 5 мингдан ортиқ киши янги иш ўрнига эга бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«Наврўз — 2013»

Кўклам яқинлашгани сари юртимизнинг барча худудларида бунёдкорлик, яратувчилик ишлари авж олмақда. Шаҳару қишлоқларда замонавий бинолар, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданий-маиший иншоотлар, кўркам савдо мажмуалари, замонавий уй-жойлар қурилиши жадаллашмоқда.

БУНЁДКОРЛИК ФАСЛИ

Хоразм вилоятининг Бобот туманида ҳам баҳорги юмушлар қизгин давом этмоқда. Туманда шу кунгача 52 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар ҳашар йўли билан тозаланиб, мавсумга шай ҳолга келтирилди. Бинолар атрофи ва йўл ёқаларига 5 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Яқинлашиб келаятган Наврўз айёмини муносиб қў-

тиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ўтказмоқдамиз, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи И.Раҳимов. — Бошқарма иссиқхонасида етиштирилган мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари худудлардаги йўл ёқалари, бинолар атрофига экилмоқда.

А. ШОКИРОВ, ЎЗА мухбири.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

аҳоли даромадини ошириш, турмуш ободлигини таъминлашнинг муҳим омили

Бундан энг аввало ЎзХДП электорати вакиллари манфаат қўради. Шу боис партияимиз маҳаллий Кенгашлари ва депутатларимиз маҳаллаларда бандлик масаласини ўрганиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган кишиларни қўллаб-қувватламоқда.

2-бет

Истиқлол имкониятлари

«ЎЗБЕК-ГЕРМАН АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ МАРКАЗИ» ИШ БОШЛАДИ

Ҳукуватимиз ташаббуси билан 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тадбири режаси ишлаб чиқилиб, унда архитектура-қурилиш соҳасида илғор хорижий стандартлар даражасида олий маълумотли, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш кўзда тутилган эди.

3-бет



«ЎЗБЕК-ГЕРМАН АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ МАРКАЗИ» ИШ БОШЛАДИ

2011 йил Тошкент архитектура ва қурилиш институти ва Потсдам ихтисослаштирилган институти ўртасида «Бино ва иншоотларни сақлаш ва тарихий архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш «Ўзбек-герман архитектура ва қурилиш маркази»ни ташкил қилиш ҳақидаги ўзаро келишув меморандуми имзоланган эди.

2013 йил 18 февралда Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг бош биносида ушбу Марказнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аристид Фенстер қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, тадбирда Брандбург ерида жойлашган қатор олий таълим даргоҳларининг тегишли мутахассислари, юртимизда фаолият кўрсатаётган немис фирмалари вакиллари ҳам иштирок этди.

Дилафрўз МИРЗАРАХИМОВА,
Тошкент архитектура ва қурилиш институти магистри:

— Магистрлик илмий даражасини берадиган, қурилиш объекти ва тарихий ёдгорликларни сақлаш мутахассислиги бўйича ўзбек-немис ўқув курси намунавий лойиҳа ҳисобланади, у Потсдам ихтисослашган институти ва Тошкент архитектура ва қурилиш институти ҳамкорлигида таъсис этилган. «Ўзбек-герман архитектура ва қурилиш маркази» Потсдам ва Тошкентда жойлашган.

Магистрлар ўқишга бир масротаба қабул қилиш асосида икки йил тахсил олишади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқшнинг бир семестри Германиядаги ҳамкор олий ўқув юртлирида олиб борилади. Ўқиш тугагандан сўнг магистрларга Европа трансфер кредитли тизими (ЕКТС)га мувофиқ, Германия стандартларига асосан, Потсдам ихтисослашган институтининг Ўзбекистонда тан олинган магистр академик даражаси (M.Sc) берилади. Ушбу марказ очилиши, биз ёшлар учун катта имконият эканини алоҳида таъкидлашни истардим...

Айтиш керакки, ўқув жараёнини молиялаштириш «Фольксваген» фонди (Германия Федератив Республикаси) томонидан амалга оширилди. Марказнинг моддий-техник базаси эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барпо этилди.

Ушбу ҳамкорлик Германия Федератив Республикаси тарафидан — Потсдам ихтисослашган институти, Веймар «Баухаус» университети, Дрезден техника университети ва Бамберг шаҳридаги Отто-Фридрих номи университети, Ўзбекистон Республикаси тарафидан — Тошкент архитектура ва қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида амалга оширилади.

Мухими, ушбу Марказ МДХ ва Марказий Осиё давлатлари орасида ягона Ўзбекистонда очилди.

Свен ВАЛЛАШ,
лойиҳа координатори,
Потсдам ихтисослашган институти:

— Марказни ташкил этиш юзасидан биз томондан Брандбург Таълим вазирлигининг қарори қабул қилинган. Бу ерда магистрантлар Германия олий ўқув юртлирида



қабул қилинган ўқув режа ва дастурларга мувофиқ, модул тизими асосида бино ва иншоотларни сақлаш ва тарихий архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш мутахассислиги бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ равишда ўқитилади.

Ниятимиз келгусида марказ фаолиятини доимийлаштириш, яъни икки йиллик ўқув курси билан чегараланиб қолмаслик ва махсус фанларга масалан, дизайнга, услубларга, ижтимоий фанларга эътиборни янада кучайтиришдир. Умуман, мазкур марказ Шарқ ва Ғарбнинг ривожланиши истиқболга муносиб ҳисса қўшади, деб умид қиламан.

Штеффен ЛАУЭ,
профессор, замонавий қурилиш композициялари бўйича мутахассис,
Потсдам ихтисослашган институти:

— Архитектура ёдгорликларини глобал ўзгаришлар жараёнида сақлаб қолиш, қайта тиклаш принциплари ва улар юзасидан қўлланилар яратиб бугун долзарб масаладир. Бунинг учун биз архитектура қоршамалари тайёрланадиган хомашё материаллари таркибини пухта ўрганишимиз ва шу асосда уни янада «ёшартурувчи» замонавий компонентларни яратишимиз зарур. Бунинг учун эса ҳар икки томоннинг эришилган энг сўнгги натижалари асосидаги ҳамкорлик

Диёрингизда гўзал ва бетакрор обидалар кўп экан. Бухоро қадимий салобати билан ўзига тортса, Самарқанд бетакрор жозибаси билан ҳаяжонга солади. Тошкент эса ҳайратланарли даражада гўзаллашиб кетибди. Бу ерда аънавийлик услубидан оқилона фойдаланилиб, замонавийликка жуда нафислик билан замонавийликнинг бир-бирига уйғунлашганини яққол кўрамиз. Бу галги ниятим қадимий Хивани томоша қилиш. Қолаверса, юртингизда қурилиш материалларига асос бўлувчи хомашё таркиби жуда сифатли экан. Бу эса улардан замонавий қурилиш композицияларини яратишда қулайликлар туғдиради.

Абдуқобил ТЎЛАГАНОВ,
лойиҳа ташкилотчиларидан,
Тошкент архитектура ва қурилиш институти профессори, техника фанлари доктори:

— Мен илк бор Потсдамга борганимда, у ердаги музейлардан бирида соҳибқирон Амир Темурга махсус хона ажратилганини кўрганман. Веймар шаҳри яқинидаги Тюрингя еридаги музейда эса жаҳонга машҳур саркардалар қаторида Соҳибқирон бюстини кўриб қувонганман.

Томас ВИЛЛ,
профессор, Дрезден техника университети:

— Дунёда аждодлардан авлодларга мерос қолдирилган жон мейморчилигининг ноёб, бетакрор намуналари кўп. Улар асрлар давомида бутун инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Демак, биз ҳам ўз навбатида келгуси авлодларга гўзал, эстетик ва тарихий мейморчилик санъати дурдоналарини қолдиришимиз, улар эса бу ишни муносиб тарзда давом эттиришлари зарур.

Маълумки, Европа тараққиётида Германия ўзининг жадал ривожини, тарихий ва мейморий ёдгорликларга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди. Шу маънода, немис ҳамкасбларимизнинг диёримиздаги бетакрор тарихий обидалар, уларга ҳамоҳанг тарзда барпо этилаётган бунгунги замонавий мейморий ансамблларимизга бўлган катта қизиқиши албатта таҳ-

борганимда, у ердаги музейлардан бирида соҳибқирон Амир Темурга махсус хона ажратилганини кўрганман. Веймар шаҳри яқинидаги Тюрингя еридаги музейда эса жаҳонга машҳур саркардалар қаторида Соҳибқирон бюстини кўриб қувонганман.

Маълумки, Европа тараққиётида Германия ўзининг жадал ривожини, тарихий ва мейморий ёдгорликларга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди. Шу маънода, немис ҳамкасбларимизнинг диёримиздаги бетакрор тарихий обидалар, уларга ҳамоҳанг тарзда барпо этилаётган бунгунги замонавий мейморий ансамблларимизга бўлган катта қизиқиши албатта таҳ-

борганимда, у ердаги музейлардан бирида соҳибқирон Амир Темурга махсус хона ажратилганини кўрганман. Веймар шаҳри яқинидаги Тюрингя еридаги музейда эса жаҳонга машҳур саркардалар қаторида Соҳибқирон бюстини кўриб қувонганман.

Маълумки, Европа тараққиётида Германия ўзининг жадал ривожини, тарихий ва мейморий ёдгорликларга бойлиги билан алоҳида ўрин тутди. Шу маънода, немис ҳамкасбларимизнинг диёримиздаги бетакрор тарихий обидалар, уларга ҳамоҳанг тарзда барпо этилаётган бунгунги замонавий мейморий ансамблларимизга бўлган катта қизиқиши албатта таҳ-

синга лойик. Бизда архитектура қоршамалари учун асосий хомашё ҳисобланган гипс, ганч, гилтупроқ, ўсимлик ишқорлари ва куллари каби материалларнинг катта захираси мавжуд. Қолаверса, уларни ишлаб чиқариш ўзимизда арзон ҳамдир.

Мақсуд ўқув курсини ўташ жараёнида магистрантлар «Шаҳидлар хотираси майдони», Хоразм Маъмур академияси, ЮНЕСКО ваколатхоналарида амалий машғулотлар ўтказишди.

Марказ фаолиятининг ривожланиши нафақат иккала давлат ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди, балки Осиё билан Европа мейморчилик санъатини юқори боқичга кўтарилишига муносиб ҳисса қўшади...

Мавлуда ЮСУПОВА,
профессор, мейморчилик фанлари доктори,
Ўзбекистон Фанлар Академияси:

— Умуман мейморчилик асоси учта — жозибадорлик, белгиланган вазифа ҳамда мустаҳкамлик орқали намоён бўлади. Бутун дунёни ўзига жалб этаётган обидаларимизнинг сирини, маҳобати ҳам шунда. Биз немис ҳамкасбларимиз билан соҳага оид жуда кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашдик. Баҳс-мунозаралар ҳам бўлди.

Умуман азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасида таълим интеграцияси — ривожланиш истиқболли бўлиб келган. Шу маънода, айтмоқчиманки, бундай марказнинг ташкил этилиши айни муддоса. Бу бизни дунё билан янада ҳам нафас бўлиб яшаш ва ишлашга ундайди...

Обиддин МАХМУДОВ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда қурилиш, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шартин билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
Лот 1-2:				
Лот-1	Булунгур туманидаги 1-мактаб (болалар боғчаси) алоҳида биносини «Баркамол авлод» болалар маркази учун капитал таъмирлаш	504 247 364 сўм	605 096 836 сўм	8 ой
Лот-2	Пайариқ туманидаги 6-мактаб алоҳида биносини «Баркамол авлод» болалар маркази учун капитал таъмирлаш	367 403 235 сўм	440 883 882 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
Лот 1-6:				
Лот-1	Пастдарғом тумани, Лолазор-2 массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (2-этап)	785 213 951 сўм	942 256 741 сўм	5 ой
Лот-2	Пахтачи тумани, Зиёвуддин массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (3-этап)	115 521 837 сўм	138 626 204 сўм	4 ой
Лот-3	Пахтачи тумани, Сулув массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (2-этап)	132 401 756 сўм	158 882 108 сўм	4 ой
Лот-4	Жомбой тумани, Жомбой марказий кўрғони массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	177 380 857 сўм	212 857 029 сўм	4 ой
Лот-5	Жомбой тумани, Узунвул массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	393 909 754 сўм	472 691 705 сўм	4 ой
Лот-6	Нарпай тумани, Сарибозор-1 массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	120 100 122 сўм	144 120 147 сўм	4 ой
Лот 2-6:				
Лот-1	Иштихон тумани, Тупор массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (3-этап)	204 698 801 сўм	245 638 562 сўм	4 ой
Лот-2	Иштихон тумани, Қорақўйли массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (3-этап)	265 871 487 сўм	319 045 785 сўм	4 ой
Лот-3	Оқдарё тумани, Мевазор массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	411 389 853 сўм	493 667 824 сўм	4 ой
Лот-4	Оқдарё тумани, Қирқдархон массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (4-этап)	633 845 459 сўм	760 614 551 сўм	5 ой
Лот-5	Нарпай тумани, Сарибозор-2 массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	95 202 171 сўм	114 242 606 сўм	4 ой
Лот-6	Самарқанд тумани, Оқмачит массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	108 423 656 сўм	130 108 387 сўм	4 ой
Лот 3-4:				
Лот-1	Булунгур тумани, Мингчирор массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	177 850 836 сўм	213 421 003 сўм	4 ой
Лот-2	Булунгур тумани, Каттақийлоқ массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	267 692 164 сўм	321 230 597 сўм	4 ой
Лот-3	Каттақўрғон тумани, Мухтор массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (3-этап)	387 244 591 сўм	464 693 509 сўм	4 ой
Лот-4	Самарқанд тумани, Янгиариқ массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (4-этап)	885 271 243 сўм	1 062 325 491 сўм	5 ой
Лот 4-5:				
Лот-1	Нуробод тумани, Нурбулоқ массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	295 317 436 сўм	354 380 924 сўм	4 ой
Лот-2	Пайариқ тумани, Мойлитепи массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (4-этап)	143 680 769 сўм	172 416 923 сўм	4 ой
Лот-3	Пайариқ тумани, Кичиктурк массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (2-этап)	326 604 302 сўм	391 925 163 сўм	4 ой
Лот-4	Қушрабат тумани, Кўрғон массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши	162 134 546 сўм	194 561 456 сўм	4 ой
Лот-5	Тайлоқ тумани, Маданият массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (2-этап)	715 484 522 сўм	858 581 427 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Реклама

Савдо ташкилотчиси —

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 1-2 (Лот-1, Лот-2), Лот 1-6 (Лот-2, Лот-4, Лот-5, Лот-6), Лот 2-6 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-5, Лот-6), Лот 3-4 (Лот-1, Лот-2, Лот-3), Лот 4-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметни қийматининг камиди 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг мавжудлиги ёки курсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўқшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўшмамаълумот ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муо-

мала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчиларга олинадиган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортига етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашши ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камиди 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

1 март — Халқаро гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш куни

МАЛАКАЛИ ТИББІЙ ХИЗМАТ

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш ишлари Обод турмуш йилида изчил давом эттирилмоқда.



Мақсад: ХАБИБҒУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Шуманай туман тиббиёт бирлашмаси қайта реконструкциядан чиқарилиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, таххис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилди. Бирлашманинг кўп тармоқли поликлиникасида кунига 300 кишини қабул қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек, унинг тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида етмишга яқин шифокор ва 500 нафардан зиёд ҳамшира аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛИК ТАРТИБ-ҚОНДАСИ БАРЧАГА БАРОБАР

аммо айримлар қинаир йўллар билан пул топишга уринмоқда

Тадбиркорлик фаолиятига тобора кенг имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Масалан, даромад солиғи 2005 йилда 15 фоиз, 2007 йилда 12 фоиз, 2008 йилда 10 фоиз бўлган бўлса, жорий йилдан 9 фоиз қилиб белгиланди. Демак, айни вақтда хўжалик юритувчи субъектлар даромадларидан етти йил аввалгига нисбатан 6 фоиз кам солиқ тўлашмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аҳоли даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида, 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг кўйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Албатта, бу каби имтиёзлар берилиши тадбиркорлар фаолиятининг янада кенгайтиришга замин яратди. Аммо бундай имконият ва имтиёزلарни суиистеъмол қилиб, чўнтагини қаппайтириш йўлида давлат олдидagi мажбуриятларини унутмаётган тадбиркорлар ҳам учраб туради.

Қарши шаҳридаги «Насаф» кўчасида жойлашган «Ал-Исломбек» хусусий корхонасига қарاشли умумий овқатланиш шохобчасида қисқа мuddатда текшириш ўтказилганда ҳазинадаги 22 668,1 миң сўм савдо пули нazorат касса машини (НКМ)га кириб қилинмагани маълум бўлди ва 668 миң сўмлик 3 турдаги истеъмол мuddати ўтган вино маҳсулотлари сотилаётгани аниқланди.

Ўтган йили Қашқадарё вилояти давлат солиқ органлари томонидан ноқонуний савдо фаолиятининг олдини олиш бўйича ўтказилган рейд тадбирларида 580 та ана шундай жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

— Вилоятда нақд пул маблағларининг банк кассаларига тушумини кўпайтириш, банкдан ташқари айланмаларни янада қисқартириш борасида ҳамкор таътилотлар билан биргаликда ўтказилаётган текширувлар натижасида ўтган йили нақд пул тушимига эга бўлган 7233 та хўжалик субъектларидан банк кассаларига 972,4 миллиард сўм пул маблағлари жалб қилинди. Тушумлар 2011 йилга нисбатан 118,8 фоизга ўсди. — дейди Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Эшматов.

Юртимиздаги кўрсаткичларнинг яқин келажакда қандайдиган бўлишига ҳаётдан ҳаётга ўтишни янада тизимли равишда қўллашнинг асосий шартлари бўлиши шаклида таъкидланди. Шунингдек, хариддорларга тўлов терминали орқали пластик картча билан савдо қилиш доимо рад этиб келинган. НКМдан фойдаланмасдан савдонини амалга ошириш, савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пулни банк кассаларига топширмастик, кириб қилинмаган товарларни сотиш ҳолатлари мавжуд. Ушбу қондабузарликлар бўйича тўланган материалларнинг 33 тасида жиноят аломатлари аниқланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилган. 345 қондабузарга нисбатан Давлат солиқ инспекциялари томонидан 47,4 миллион сўм маъмурий жараима қўлланилган. 109 та ҳужжат эса чора кўриш учун жойларда суд органларига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 апрель кунини «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкогольли маҳсулотларнинг кириб келиши ва сотилишига йўл қўймастик, савдо ташкилотлари томонидан алкогольли маҳсулотларни чакана сотишнинг белгиланган талабларига риоя қилиниши устидан ўтказилган назоратда 98 та ҳолда қарор талаблари бузилиши аниқланиб, 6012,8 литр алкогольли маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган. Қонун бундан деҳанлар хато қилди. Ҳаёт синовларидан ўтган яна бир ҳақиқат бор. Халол йўл билан топиладиган маблағнинг баракаси бўлади. Ноҳалоли буюрмайди.

Тошкент тиббий университетининг «Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

МУҲИМ ҒАЛАБАЛАР

Кўни кеча Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларига старт берилди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда «Бунёдкор» жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.



Мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашаётган пахтакорчилар ўз майдонини Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифок» футболчиларини қабул қилди. Бу ҳамюртларимизнинг янги мавсумдаги илк расмиий учрашуви эди. Шу боис ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан вакилларимиз хатти-ҳаракатларида Қатарнинг «Лахвия» вакиллари Бирлашган Араб Амириклари-нинг «Аш-Шабаб» жамоасидан устун келди — 2:1.

Мусобақанинг «G» гуруҳида ўйнаётган «Бунёдкор» футболчилари кеча Японияда «Санфречче Хиросима» жамоаси мейхони бўлди. Янги мавсум олдиндан ўз таркибининг бир қатор тажрибали ўйинчилар билан мустаҳкамлаган бунёдкорчилар сафарда тўп суришларига қарамай чиройли ва муҳим ғалабани қўлга киритди. Дастлаб учрашунинг 45-дақиқасида украинлик ҳужумчи Александр Пишур ҳисоби очди. Иккинчи бўлимда ҳам ҳамюртларимиз уюшқоқликни бир зум бўлса-да усайтиришмади. Натижада ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганида моҳир ярим ҳимоячимиз Фозил Мусаев мезонлар дарвозасини ишгол этиб, «Бунёдкор» жамоасининг ғалабасини мустаҳкамлади — 0:2.

Иккинчи жуфтликда эса Жанурий Кореянинг «Поханг Стилерс» ва Хитойнинг «Пекин Гоан» вакиллари ўзаро куч синнашди — 0:0.

Навбатдаги тур ўйинлари 12-13 март кунлари бўлиб ўтади. Унда «Аш-Шабаб» — «Пахтакор», «Бунёдкор» — «Поханг Стилерс» жамоалари майдонга тушади. Эркин ХОЛБОБО

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти

2013 йил 2 апрель кунини очиқ аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малек кўчаси, 1-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси балансидаги 2002 й.и.ч. д.р 01/828 ССА, бошлангич нархи 8 871 755 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси кўйилди.

Берош шартлари юклатилади. Маъмурият вақтинчалик хўжалик ҳақидаги қарорларнинг пайшанба кунлари ўтказилаётган савдоларга тақдоран қўйилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган мuddатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиладилар: — аукцион савдоларида қатнашиш учун бююртма икки нусхада; — зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси; — ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Бююртмалар аукцион ўтказилаётган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 399-81-19, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ балансидаги д.р 01/135LBA бўлган «Хундай Старекс» — 35 525 000 сўмга; д.р 01/136LBA бўлган «Нексия» — 19 500 000 сўмга; «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Халқаро почтамт» филиали балансидаги д.р 01/926 MBA бўлган «ГАЗ-330210» — 6 100 000 сўмга; тугатилаётган «Алп Жамол Банк» балансидаги д.р 01/3640AA бўлган «Нексия S-150 GL» — 12 200 000 сўмга; д.р 10/719EAA бўлган «Нексия СОНС» — 11 700 000 сўмга; «CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI» ОАЖнинг д.р 01/508WAA бўлган «Нексия» — 14 300 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Реклама

ОБ-ҲАВО 28-01 – 02-03. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-3 / -8 +4 / +9

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-3 / +2 +10 / +15

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

-3 / +2 +8 / +13

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

-2 / +3 +10 / +15

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

-3 / +2 +3 / +8

Тошкент шаҳри

-1 / -3 +8 / +10

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон -2 / -1

Париж -2 / 0

Москва -10 / -10

Мадрид 0 / -1

Пекин -2 / -1

Канберра +15 / +15

Рим +6 / +5

Афина +4 / +4

Токио +2 / +1

Стокгольм -2 / -3

Кейптаун +14 / +14

Қоҳира +10 / +10

Гавана +20 / +20

Вашингтон +1 / +2

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Murodulla ABDULLAYEV, Muslihidin MUHIDDINOV, Latif G'ULOMOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ochiбой RAMATOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Tat'yana KISTANOVA, Saidahmad RAHIMOV

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV.

ISSN 2013-7433. 1 2 3 4 5